



ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (13.540)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚШОМИ

2017 йил 12 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МДҲНИНГ СОЧИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь кун бўлди.

Сочидаги Халқаро конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Давлат МДҲ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги МДҲни тузиш тўғрисидаги битим ҳамда 1991 йил 21 декабрдаги мазкур битимга протокол асосида ташкил қилинган. Ушбу халқаро тузилмага Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон Республикаси ва Украина аъзо ҳисобланади. Ижроия қўмита МДҲнинг ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Ўзбекистон МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДҲ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган.

Ўзбекистон тузилмадаги иштирокини янада фаоллаштиришди. Шу йил 3 ноябрь кун пойтахтимизда МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Транспорт ва коммуникациялар ҳамкорлигининг стратегик муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзаро интеграциялашган транспорт тизимларини ривожлантириш, Ҳамдўстлик минтақасининг улкан транзит салоҳиятидан тўла фойдаланиш барча учун манфаатли. Маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ва ўзаро имтиёзлар бериш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Туризм соҳасидаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинмагани, бу имкониятларни таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Жиноий даромадларни легаллаш-

тириш, коррупция, терроризм, наркобизнес каби хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама қилинди.

МДҲга раислик қиладиган навбатдаги мамлакат масаласи кўриб чиқилди. Умумий қарорда мувофиқ, 2018 йилдан ушбу халқаро тузилмага раислик Тожикистон Республикасига ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан Президент Имомали Раҳмонни табриклади ва ушбу масъулиятни вазифани бажаришда муваффақиятлар тилади.

Давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирди.

Мажлисида Ҳамдўстлик мамлакатларининг Парламентлараро ассамблеяси фаолиятини такомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривожлантириш, келгуси йилларда МДҲнинг маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди.

МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва аънавий оилавий кадрларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоёб йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги улуг Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм ва қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорликга доир концепциялар маъқулланди.

Шунингдек, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ушбу учрашувдан мамнунлигини билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари аниқ амалий мазмун билан бойиганлиги алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Шавкат Мирзиёевни Соҳага ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилганлигини ва бу ўз самараларини бераётганини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли фаоллашди. Ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Кейинги ойларида ҳукуматлараро ва ҳудудлараро даражада бир қанча ташрифлар амалга оширилди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан. Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш кузатишмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Россия бизнес-форумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истикболли келишувларга эришди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида кооперация кучаяётгани, бизнес вакиллари ҳамкорлиги кенгаётгани, халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашуви мустаҳкамлашга хизмат қилгани қайд этилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг 2016 йил Самарқандда ўтган учрашувидан кейин Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фаоллашгани, ўзаро савдо айланими сезиларли ошганини таъкидлади. Икки мамлакат иқтисодий бир-бирини тўлдирши, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Александр Лукашенко Беларусь Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда.

Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, ҳомашини чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенкони Ўзбекистонга таклиф этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент – Сочи – Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ*

“ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ” ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва муҳофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъ-

минлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмаилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги
ПФ-5201-сонли Фармонида 1-илова

“ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ” ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва муҳофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони билан Ўзбекистон Респуб-

ликаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, вазирликлари, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вақил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Муқофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони кўкракнинг чап томонида давлат муқофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонида 2-илова

“ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ” ЭСДАЛИК НИШОНИНИНГ ТАВСИФИ

“Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги – 2,2 миллиметр. Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, таралаётган қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган хилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган “25” ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли “YIL” ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тасвири акс этирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалдан доирада “O‘ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA” сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказида иккита саккиз қир-



рали юлдуз ораллигида бир-бирига туташтирилган ҳолатда иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, харфларнинг баландлиги 2 миллиметрли ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказида “2017” ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар кабарикдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари кабарик доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўғри

тўртбurchак шаклидаги қадагичга илгакчалар ва халқча ёрдамда уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сариқ рангли энисиз чизиклар бўлиб, унинг икки четидан эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чека қисмлари бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўللار ўтган.

Кадагичнинг бўйи – 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Кадагичнинг орқа томонида эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

ТОЖИКИСТОН МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

“Ўзэкспомарказ”да 11 октябрь кун Тожикистон Республикаси миллий маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Палата савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тожикистон Республикаси Инвестициялар ва давлат мулкни бошқариш қўмитаси, Саноат ва янги технологиялар вазирлиги, “Тожикивест” ДУК ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Тожикистон Республикасининг нефть-газ, қури-

лиш, транспорт, фойдали қазилмалар, агросаноат, фармацевтология, енгил саноат, қайта ишлаш соҳалари, соғлиқни сақлаш, таълим, фан-техника, туризм каби тармоқларида фаолият кўрсатаётган 150 дан зиёд компаниялари вакиллари, тадбиркорлар қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

● Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази томонидан Самарқанд шаҳридаги автобус ва трамвай бекатларида “Мобиль кутубхона” ташкил этилди. Жорий этилган виртуал кутубхонадан йўловчилар ўз смартфонлари орқали китобларнинг электрон нусхасини QR-код орқали бепул юклаб олиши мумкин.

● Нукусда Европа киноси фестивали бўлиб ўтди. Унда миллий ва халқаро танловлар совриндорлари бўлган кўпгина киноасарлар қорақалпоғистонлик томошабинларга бепул намойиш этилди.

● Швейцарияда тоғ хавосини хорижа экспорт қилиш бошланди. Swiss Alpine Air стартапи шу тарзда дунёнинг ифлосланган шаҳарларини тоза ҳаво билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Бунда тоза Альп тоғи ҳаво-

си 7 литр сигимли флаконларда аэрозол шаклида онлайн сотилмоқда. Бундай флакон 120 марта нафас олиш учун етади. Битта аэрозолни 21 долларга, шунингдек, олти ёки етти флакондан иборат тўпламини чегирма билан харид қилиш мумкин. Маҳсулотга нафас олиш учун никоб ҳам қўшиб берилади.

● Халқаро археологлар гуруҳи дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Мисрдаги Хеопс эҳром қандай қурилган ҳақида саволга жавоб топди. 147 метрлик катта эҳром ўрта асрларгача дунёнинг энг баланд иншоотларидан бири бўлиб келган. Энди эса мисршунослар эҳром қурилишида ишлатилган катта тош блоклари эҳром жойлашган Гизага 13 километр узоқликдаги Турдан қандай етказилганини маълум қилди. Олимларнинг фикрича, оғирлиги 2,5 тонна келади-ган 170 мингта оҳақтош махсус қазилган каналлар орқали ёғоч қайиқларда ташилган. Улар катта эҳром остида ташкил этилган гаванга келтирилган.

ЖАҲОНДА



● Сирдарёда “Одам савдосига қарши кураш ҳамда ёшлар ўртасида ноконуний меҳнат миграциясининг олдини олиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Гулистон шаҳар прокуратураси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда одам савдосининг олдини олиш, ноконуний меҳнат миграциясига қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган маърузалар тингланди. Иштирокчилар ўзлари-



ТОҶИКИСТОН МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган. Икки давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳалқларимиз тўб манфаатларига хизмат қилмоқда. Ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар, маданий-гуманитар соҳадаги мулоқотнинг кенгайтирилаётгани ҳалқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничиликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Тожикистон Республикаси Инвестициялар ва давлат мулкни бошқариш қўмитаси раиси Файзиддин Қаҳорзода ва бошқалар Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик ҳалқларимизнинг асрлар давомида шаклланган яхши қўшничилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишини мужассам этишини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўзаро самарали ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий соҳада қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Жорий йил апрель ойида Душанбе шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон саноат корхоналари маҳсулотлари миллий кўргазмаси ҳамда икки давлат ишбилармонлари бизнес-форуми савдо-иқтисодий алоқалар ривожига янги саҳифа очди. Ушбу тадбирлар якунида тадбиркорларимиз ўртасида ўзаро манфаатли битимлар имзоланди. Июнь ойида Ўзбекистон делегациясининг Тожикистонга ташрифи чоғида Душанбе шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилди.

– Мамлакатимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, – дейди Тожикистон Савдо-саноат палатаси раиси уринбосари Манзура Рустамова. – Мазкур форумдан қўзғалган мақсад икки давлат ишбилармонларининг савдо алоқаларини кенгайтириш, янги қўшма корхоналар сони ва икки томонлама маҳсулот айланмаси ҳажмини оширишдан иборат. Ушбу кўргазмага пухта ҳозирлик қўрилди. Тадбир доирасида имзоланадиган барча келишувлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– 2014 йил ташкил этилган компаниямиз М-400, М-500 ва М-600 маркали цемент турларини ишлаб чиқаради, – дейди “Чунгтсай мохир цемент” МЧЖ раҳбари Дилафруз Шерова. – Жорий йил бошида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ушбу саноат маҳсулотини етказиб бериш бўйича шартнома тузган эдик. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятидаги қурилиш объектларига цемент етказиб бермоқдамиз. Мазкур кўргазмада янги ҳамкорлар излаб топиш ва истиқболли шартномалар имзолаш ниятидамиз.

“Хўжанд текстиль” маъсуляти чекланган жамияти Россия, Беларусь, Туркия, Эрон каби давлатларга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилади. Корхона мазкур кўргазмадаги иштироки орқали Ўзбекистон бозорига маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйишни мақсад қилган.

– Корхонамиз газлама, сочиқбоп мато, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ва бўялган ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди корхона директори Раҳим Набиев. – 100 фоиз пахта толасидан тайёрланган маҳсулотларимизга жохон бозоридида кизиқиш катта. Тадбирда Ўзбекистондаги тўқимачилик компаниялари билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартнома имзолашга муваффақ бўлдик. Мамлакатингиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда жохоннинг етакчи давлатлари бозорини забт этишимизга ишонамиз.

Тожикистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси доирасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг енгил саноат, энергетика, машинасозлик, металлургия, автомобилсозлик, транспорт-логистика, озиқ-овқат, кимё саноати, қурилиш материаллари, кишлоқ ҳўжалиги, туризм каби соҳаларга ихтисослашган вазирилик, компания ва фирмалари вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, Ўзбекистонда хорижлик ҳамкорлар учун яратилаётган қулай инвестициявий муҳит, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар тожикистонлик ишбилармонлар учун ҳам кенг имкониятлар яратиб бериши таъкидланди. Икки мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқлари салоҳиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилди.

Тадбир доирасида кимё, транспорт коммуникациялари, енгил саноат, кишлоқ ҳўжалиги, туризм, саноат ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича истиқболли келишувларга эришилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЁШЛАР, АЁЛЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Маълумки, жорий йилнинг 12 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган видеоселектор йиғилишида ёшлар, оилалар ва аёллар билан олиб бориладиган ишлар доимо давлатимизнинг диққат марказида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича, шунингдек, оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияни тузиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этди.

Таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳаларининг муҳомааларида иштирок этиш учун ёшларни жалб этиш парламент қўйи палатаси фаолиятидаги янгиланган бериға айланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида фаолият юритаётган эксперт гуруҳлар таркибига киритилди. Ишнинг бундай шакли ўз самарасини кўрсатмоқда. Ёшлар хорижий тилларни яхши биладилар, халқаро тажрибага қизиқадиладар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш малакасига эгадирлар. Буларнинг барчаси уларга Қонунчилик палатасида қўриб чиқиладиган қонун лойиҳаларини тақомиллаштиришга қаратилган аниқ тақлиф ва тавсиялар билан бўлишиш имконини беради.

Президентимизнинг тақлифларини ҳисобга олган ҳолда, депутатлар томонидан Қонунчилик палатасининг 2017 йил 11 октябрь кунини бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида тегишли комиссияларни тузиш масаласи қўриб чиқилди.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида, депутатлар таъкидлаганларидек, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббусига кўра 30 июнь мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Ёшлари кунини деб эълон қилинган бунинг исботидир. Бу борада тегишли қонун ҳам қабул қилинди. Шу сабабли, Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг тузилиши мамлакатимизнинг миллий бойлиги ва келажаги бўлган ёшлар билан ишларни сифатли ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу комиссиянинг тузилиши давлат ва жамият бошқарувида ёшларнинг иштирокини амалий жиҳатдан таъминлаш орқали ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Қонунчилик палатасининг тузган ўрнини ошириш имконини беради. Шу тариқа, халқ вакиллари ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишда бевосита иштирок этадилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг адолатли мулоҳазасига кўра, парламент – бу демократия мактабидир. Ёшлар билан манзилли ишлашнинг ташкил этиш эса ҳозирги тузган йўлимизнинг кетма-кетлигини, ислохотларнинг барқарор ва изчил амалга оширилишини таъминлашга қодир бўлгуси сиёсатчиларни тайёрлашнинг ноёб тизимини яратиш имконини беради.

– Давлатимиз раҳбари ёшлар масаласини кун тартибига бежиз қиритаётгани йўқ, – деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Элбек Шукуров. – Маълумки, ёшлар юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ташкил этади. Ёшлар масаласи доим эътиборда. Ушбу жараёнга парламент, ҳусусан, Қонунчилик палатаси бефарқ эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган ёшлар масалалари бўйича комиссия, ўз навбатида, ёшларнинг, айниқса, уюшмаган, иш билан банд бўлмаган, муайян бир машғулотага эга бўлмаган ёшларнинг замонавий касб-хунарларини эгаллаши учун муносиб шарт-шароит яратишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар Қонунчилик палатасида оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияни тузиш масаласини қўриб чиқдилар. Депутатлар таъкидлаганларидек, оналикни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда уларнинг ўрни ва макomini ошириш, аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ҳамда маданий ҳаётда иштирок этишини янада кучайтириш оила институтини яхшилашнинг муҳим омилдир. Бунинг учун аёлларнинг касб-хунарларини эгаллаши, уларнинг бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оилада тиббий маданият даражасини ошириш учун муносиб шароитларни изчил яратиш зарур. Ташкил этилаётган комиссия ушбу барча масалалар билан шуғулланади.

Аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилигини, айниқса, уларнинг хорижа ноконуний равишда чиқишининг олдини олишга доир самарали механизмларини жорий этишга оид тақлифлар ишлаб чиқиш, оила ва аёллар масалалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, ушбу соҳадаги халқаро шартномаларнинг ижро этилишини таъминлашда кўмаклашиш, шунингдек, аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, оилавий ажралишлар ҳолатларини таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўриш Комиссиянинг асосий вазифаларидан биридир.

– Мамлакатимиз Президенти томонидан оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияни ташкил этиш юзасидан белгиланган вазифалар бугун жуда долзарбдир, – деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Зумрад Бекатова. – Бугунги кунда бутунжаҳон статистикаси ажралишлар сони узлуксиз ўсаятгани, одамлар ҳаётида оилавий қадриятларнинг аҳамияти пасаяётганидан гувоҳлик бермоқда. Мамлакатимизда ажралишлар сабабларини ўрганишга, уларни пухта таҳлил қилишга ва оилаларнинг бузилиши ҳолатларининг олдини олишга доир аниқ тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш оила институтини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг тузилиши оила ва аёллар масалаларига оид қонунларнинг ижро этилиши устидан самарали, таъсирчан парламент ва депутатлар назоратини амалга ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга, ушбу соҳадаги халқаро шартномаларнинг ижро этилишини таъминлаш борасида кўмаклашишга қаратилган.

Мажлис давомида ҳар бир масалани муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзолари комиссиялар фаолиятини тақомиллаштиришга доир амалий тақлифлар билан сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган кўра, парламент аъзолари томонидан Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссияни, шунингдек, оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу комиссияларнинг низомлари ва таркиблари тасдиқланди.

Мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

фаровонлигини таъминлаш каби бир-бири билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришга тақозо этади.

– Ўзбекистон жохон бозоридида миллий брендини илгари суриш борасида катта имкониятларга эга, – деди Б.Дендев. – Ҳусусан, мамлакатингизнинг бой маданий мероси, барқарор ривожланаётгани, халқингизнинг меҳмондўстлиги, тарихийлик касб этган шаҳарларнинг замонавий инфратузилмаси ва бошқа омиллар мавжуд. Юртингизнинг сўлим табияти, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарларингиз, Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алломалар, уларнинг бебаҳо мероси сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Анжуманда Ўзбекистон миллий брендини шакллантириш, бу жараёнда тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигидаги ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш бўйича чуқур ўйланган стратегик ёндашувини олиб бориш зарурлиги қайд этилди. Мамлакат брендини шакллантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Тадбир сўнгида миллий брендини фаолаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича идораларор ишчи гуруҳ ташкил этиш, мазкур жараёнга халқаро экспертларни жалб қилиш бўйича тақлифлар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИНИ ЎРГАНМОҚДА

Мамлакатимиз ёшлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини чуқур ўрганмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатидида мазкур нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда партия марказий кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Институт проректори Ш.Орипов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Қ.Каримбеков Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида бугунги кундаги барча долзарб масалалар қамраб олингани, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик асосли ташаббуслар илгари сурилганини таъкидлади.

Улардан бири БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсуус резолюциясини қабул қилиш тақлифидир. Бу таълимни ривожлантириш орқали жаҳолатга барҳам бериш, жамиятда баргикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Буюк алломаларимиз, ҳусусан, Имом Бухорийнинг бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом дини тўғрисидаги таълимотни кенг ёйиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

– Бугунги тадбирда мутахассислар Президентимиз нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга батафсил тушунчалар берди, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сектор мудри Умрбек Бектемиров. – Юрт тинчлиги ва келажаги ёшларнинг онгу тафаккури, маърифат дунёси ва тарбияси билан ҳам боғлиқ. Шу сабаб давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича тақлифи нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё тинчлиги ва равнақига қаратилган жонқуярликдир.

Давра суҳбатидида мавзу доирасидаги масалалар, илгари сурилган го-тақлифлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

МУНОСИБ МЕҲНАТ— ФАРОВОН ҲАЁТ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида “Муносиб меҳнат – муносиб ҳаёт асоси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда меҳнат соҳасида таъсирчан давлат ва жамоатчилик назорати амалга оширилаётгани, муносиб меҳнат тамойилларини яратишда давлат, иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқотнинг йўлга қўйилгани алоҳида қайд этилди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг амал қилаётгани бу йўналишдаги самарадорликни янада оширмоқда.

– Халқаро меҳнат ташкилоти илгари сураётган муносиб меҳнат концепциясида бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини тақомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш талаблари қўйилган, – дейди Қасаба уюшмалари федерацияси вакили Маҳмуджон Исаев. – Юртимизда меҳнат миграциясини тартибга солиш, бандликка кўмаклашувчи нодавлат ташкилотларини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қўламини кенгайтириш ва бу борадаги жавобгарлиқни оширишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли ушбу вазифаларнинг барчаси ижобий ҳал этилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистонда меҳнат муносабатларида инсонларнинг жинси, irqи, тили, эътиқоди ва бошқа белгилари бўйича камситишлар, болалар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда халқаро меҳнат муносабатлари бўйича тизимли чора-тадбирлар ҳақида хорижлик экспертларнинг ҳам фикрлари тингланди.

– Ўзбекистонда халқаро меҳнат ташкилоти илгари сураётган муносиб меҳнат шароити яратиш бўйича эришилаётган натижалар самарали, – дейди Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси Умумевропа қасаба уюшмалари минтақавий кенгашининг ижрочи котиби Антон Лепкич. – Анжуман аввалдида юртингизнинг қатор ҳудудларида бўлиб, ишчиларга яратилган шароитлар билан танишди. Ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар ва таълим муассасаларида ишчилар, ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда ишчи қўчига бўлган эҳтиёжни рағбатлантириш, барқарор иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш бўйича тизимли сайёҳаракатлар олиб боришмоқда. Қасаначилик, ҳунармандчилик, шахсий томоққа ҳўжаликларидида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда 2017-2020 йиллар учун муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Анжуманда Ҳаракатлар стратегияси доирасида меҳнат ва ижтимоий муносабатлар бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш, меҳнат соҳасининг истиқболдаги масалалари, ҳодимларнинг алоҳида тоифалари учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА

ЎЗБЕКИСТОН БРЕНДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ривожланиши унинг халқаро миқёсдаги нуфузи, инвестицион жозибадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Буни бир сўз билан “мамлакат брендининг шаклланганлиги” тушунчаси билан изоҳлаш мумкин.

Пойтахтимизда ўтказилган конференция мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий манфаатларини халқаро майдонда илгари суришга қаратилган Ўзбекистон миллий брендини шакллантириш мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Курманов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Бадарч Дендев ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекис-

тон миллий брендини яратиш ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари каторидан жой олишга қаратилган стратегик вазифалар муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз ташқи сиёсатида қўшни давлатлар билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш тамойили устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ва дўстона ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Айни шу жиҳат Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкор сифатидаги халқаро нуфузини юксалтиришнинг муҳим қафолатиға айланди.

Президентимиз жорий йил 19 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ёшларга оид глобал сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш, Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли маҳсуус резолюциясини қабул қилиш бўйича билдирган тақлифлари жохон жамоатчилиги томонидан илқ қутиб олинди. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган очик дўстона ва прагматик сиёсат Ўзбекистоннинг нафақат минтақадаги, балки халқаро даражадаги нуфузини юксалтиришда асосий омил бўлмоқда.

Конференцияда бу каби жиҳатлар мамлакат брендини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири – давлатнинг глобал ва халқаро жараёнларда фаол иштирок этиши таъйиниға тўлиқ мос келиши таъкидланди.

Муваффақиятли брендини амалга ошириш туризмини ривожлантириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи ва ички сиёсатни фаоллаштириш, инвестициялар жалб қилиш, маданиятни илгари суриш ва халқ

“SHIFO NUR” кўп тармоқли тиббиёт маркази 2017 йил март ойида янги бинога кўчиб ўтди. Бу ердаги шароитлар ҳар томонлама қулайлиги билан эътиборингизни тортади. Бинога киришингиз билан сизни хушмуомала ҳамширалар яхши кайфиятда кутиб олишади.



Аслини олганда, “SHIFO NUR” хусусий клиникаси 2001 йилда тадбиркор Абдор Адхамов томонидан ташкил этилган. Дастлаб Абай кўчасида, сўнгра Муқимий кўчасида фаолият юритди. Тор доирада иш бошлаган хусусий клиника йиллар синида тобланиб, давлатимизнинг хусусий секторга бўлган эътибори туфайли кўп тармоқли марказга айланди. Айни пайтда бу ерда юздан ортиқ тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда.

– 9 йилдан бери шу клиникада ишлайман, – дейди камтарлик билан ҳамшира Умида Ҳасимова, – янги бинода ишлашимиз учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерда ишлаётганимдан мамнунман.

Йиллар ўтиб клиника бой тажриба орттирди. Бу ердаги малакали мутахассислар ва энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари беморларнинг тўғри ташхис олиб, соғайиб кетишларида асосий омил бўлмоқда. “SHIFO NUR” кўп тармоқли тиббиёт маркази ўз фаолиятини муттасил кен-

гайтириб бормоқда. Айни пайтда марказнинг Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида филиаллари самарали фаолият юритиб келмоқда.

Клиника раҳбарияти халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, Россия, Германия, Франция, Финляндия, Туркия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Корея каби ривожланган давлатлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказда бугунги кунда ўндан ортиқ бўлимлар иш олиб боради. Улардан энг асосийси маслаҳат ташхис бўлими бўлиб, клиниканинг таянч бўлими ҳисобланади. Бўлимда энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар ўрин олган. Маълумки, ўз вақтида ва тўғри қўйилган ташхис саломатликни тиклашда муҳим ўрин тутайди.

Бундан ташқари 60 дан ортиқ малакали шифокорлар офталмология, пластик жарроҳлик, педиатрия, кардиология, неврология, гинекология,

отоларингология, стоматология, физиотерапия ва оптика йўналишлари бўйича аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– Бу ерга Қозғистон Республикасидан келдик, – дейди ўзини таништирган Ирода Тўйматова, – қизимни олиб келганман. Кўзида муаммоси бор, марказ фаолияти ҳақида эшитиб, даво истаб келдик.

– Илгари ҳам бу шифохона ёрдамидан фойдаланганман, – дейди Қашқадарёдан келган Дилафруз Шерназарова. – Шароитлари жуда ҳам яхши. Кўриш қобилиятим паст эди, шу клиникада даволандим, ҳозир яхшиман. Шифокор ва ҳамширалар ёрдамидан мамнунман.

2017 йил 15 июль кuni Президентимиз Шавкат Мирзиёев “SHIFO NUR” кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюриб, шифокорлар ва беморлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Улар билан суҳбатлаш-

ди. Клиника ходимлари Президентимизнинг ташрифидан кўнгиллари шод бўлди.

– Марказимизда уруш қатнашчилари, 1-гuruh ногиронлари, етим қолган болалар учун имтиёз берилган, улар бепул куриқдан ўтиб, даволаниш имконига эга, – дейди клиника раҳбари Абдор Адхамов. – Ўндан ташқари ҳудудимизга яқин бўлган 220-умумтаълим мактаби ўқувчи ва ўқитувчиларини бепул тиббий куриқдан ўтказиб, даволаш ишларида ёрдам бердик. Бу каби ишларни мунтазам давом эттириб бориш ниятидамиз.

Хулоса қилиб айтганда, “SHIFO NUR” кўп тармоқли тиббиёт маркази давр талабидан келиб чиқиб, замонавий технологияларни амалиётга тадбиқ этаётган тиббиёт муассасаси сифатида нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда ўз фаолиятини мустақамлаб бормоқда.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Маданият хабарлари

ЁШ САНЪАТКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан мумтоз кўшиқ, замонавий ва миллий эстрада, опера йўналишида ижод қилаётган ёш ижрочилар билан очик мулоқот ташкил этилди.

Маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар мамлакатимизда ижод аҳлининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, айниқса, ёш истеъодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг қобилиятини тўғри йўналтириб боришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 август кuni мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида мазкур йўналишдаги долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари аниқ белгилаб берилди. Президентимизнинг Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маъ-

рифат бизнесга айланмаслиги шарт экани ва бунга ҳеч қачон йўл қўйилмаслигига оид қимматли фикрлари ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик, халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

Мулоқотда қўшиқчиларнинг ўз устида ишлаши, ижодий изланиши, маҳоратини ошириши, янги ижодий ғояларни олиб чиқиши, уларнинг саҳна маданияти, муҳлисларга муносабатлари каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёш ижрочиларнинг келгусидаги режалари, санъатнинг турли йўналишларини ривожлантиришга оид таклифлари муҳокама этилди.

МУЗЕЙЛАР – МАДАНИЯТИМИЗ ХАЗИНАСИ

Миллий матбуот марказида “Музейлар – бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова ва бошқалар ёшлар маънавияти, билими ва тафаккури, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси ва нуфузини юксалтиришда музейлар гаят катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мамлакатимизда музейлар тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазкур маърифат масканларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига ҳамохан йўлга қўйиш, айниқса, ўқувчи-ёшларни музейларга тобора кенгрок жалб этиш имконини бермоқда. Ўқувчи-

ёшлар учун яратилган шароитлар натижасида ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари болалар ўз ота-оналари ёки уларга ҳамроҳлик этувчи шахслар билан бирга музейларни бепул томоша қилиши мумкин.

Юртимизда музейларнинг самарали фаолият кўрсатиши, уларда сақланаётган нодир ашёларни муҳофазалаш, илмий-маърифий фаолият қўламини кенгайтириш, мутахассисларнинг касб малакасини ошириш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда. Жорий йил И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат му-

зеи нодир экспонатларидан иборат кўргазманинг Москва шаҳрида муваффақиятли ўтказилгани юртимиз музейларига халқаро миқёсда эътибор ва қизиқишнинг нечоғли катта эканини яна бир қарра кўрсатди.

Анжуманда музейшуносликка оид таълимни тубдан такомиллаштириш, кадрларнинг билим ва маҳоратини юксалтириш, ашёларни сақлашда илғор технологияларни кенг жорий этиш, ёш авлодни музейларга жалб этишга оид маърифий лойиҳаларни кенгайтириш тўғрисида фикр алмашилди.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига вазирилик мутасаддилари жавоб қайтарди.

Н.УСМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Соғлиқни сақлаш вазирлиги автохўжалигига тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 13-уй манзилида сақланаётган, кўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/902NDA, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, бошланғич баҳоси – 13 653 986,84 сўм. 2. “Газ-31029” русумли, давлат рақами 01/338SAA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси – 9 533 567,65 сўм. 3. “Уаз-31029” русумли, давлат рақами 01/987WBA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, ранги песочный, бошланғич баҳоси – 10 025 821,91 сўм.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-мавзе, ССВ автохўжалиги автобўлимида сақланаётган, 4. “Фиа Темпра” русумли, давлат рақами 01/381ACA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги қора, бошланғич баҳоси – 12 590 681,47 сўм. 5. “Зил-431610” русумли, давлат рақами 01/983WBA, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, ранги комбинацияланган, бошланғич баҳоси – 16 801 157,50 сўм.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида

сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 октябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати: 2017 йил 25 октябрь кuni соат 18:00.

Савдодо иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “РММ” МЧЖнинг АИКБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-йўли. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 9 октябрдаги 184к-ПО буйруғи ва 2017 йил 10 октябрдаги 05/1187-сонли буюртномасига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК балансидаги қўйидаги давлат активлари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 328-уй манзилида жойлашган қандолат цехи биноси. Бошланғич нархи – 1 018 174 404,98 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 86-уй манзилида жойлашган офис биноси (ТП биноси). Бошланғич нархи – 310 921 871,01 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 13 ноябрь кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кuni бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йилнинг 29 ноябрь, 14 ва 29 декабрь кунлари ҳамда 2018 йилнинг 15 ва 30 январь, 14 февраль, 1 ва 16 март, 2 ва 17 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активлари бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдоридеги закалат пулини, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000204920609019; МФО: 01036; СТИР: 20212519.

Аукционда қатнашишга буюртномалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртномани икки нусxada тақдим этади:

Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел/факс (0-371) 233-54-96. Лицензия: RR 0001.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Махсуслаштирилган автокорхонаси ДАМАС ва HYUNDAI автомашиналарининг эҳтиёт қисмлари, АКБ ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

Олмазор туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дастлабки нархни аниқлаш мақсадида тижорат таклифлари учун қўйидаги товарларга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

T-p	Товар (иш, хизмат)нинг номи
1	Вакцина антираб. для чел. прим. (ВЕРО КЛЕТ-КИ) (Vero Cell) лиоф, 2,5 ME в 1 фл. 1 доза 0,5 мл в уп. 5 фл. вода д/ин
2	Вакцина противогриппозная “Вакфлю” (СПЛИТ), сусп. для инъек. в упак. 1 доза 0,5 мл в 1 шприц с иглой

Тижорат таклифларининг Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 54-уй манзилига юборишининг мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 246-94-59, 249-62-17. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Чилонзор туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дастлабки нархни аниқлаш мақсадида тижорат таклифлари учун қўйидаги товарларга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

T-p	Товар (иш, хизмат)нинг номи
1	Вакцина антираб. для чел. прим. (ВЕРО КЛЕТ-КИ) (Vero Cell) лиоф, 2,5 ME в 1 фл. 1 доза 0,5 мл в уп. 5 фл. вода д/ин
2	Вакцина противогриппозная “Вакфлю” (СПЛИТ), сусп. для инъек. в упак. 1 доза 0,5 мл в 1 шприц с иглой
3	Ротационный испаритель ИР-1МЗ медицина техникаси

Тижорат таклифларининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий 4-тор кўчаси, 14-уй манзилига юборишининг мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 278-47-43, 278-38-30, факс: 278-50-78.

Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2010 йилда Игамбердиева Умида Нигматулла кизи номига берилган 9156 тартиб рақами К№1874490-сонли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яшнобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи томонидан 2006 йилда Мирзатова Сайда Пардабаева номига берилган К№ 045025-сонли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ягона дарча маркази томонидан 24.04.2017 йилда № 511408 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “CREATIVE ADVERTISEMENT” ХК (ИНН 304852718) 11.10.2017 йилдаги қарорга асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 450-38-88.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ТЕМИР ЙЎЛ ЛОГИСТИКАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда қўлланилган энг янги йўлдош технологиялари поездлар ҳаракатини мониторинг қилиш жараёнини автоматлаштириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали авиация ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча транспорт турлари жадал ривожланаётганига қарамай, темир йўллар асосий оммавий юк ва йўловчи ташиш воситаси бўлиб қолмоқда. Темир йўл транспортининг хавфсиз ва барқарор ҳаракатланишини таъминлайдиган замонавий электрон тизим Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 августдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган ягона аппарат-дастурий мажмуаси унсурларидан бири ҳисобланади.

Темир йўл транспортини мониторинг қилиш ва бошқаришнинг янги геоинформатика тизими тест синовларидан ўтиб, ўзининг юқори самарадорлиги ва барқарор ишлашини кўрсатди. Айни пайтда мазкур тизим юртимизнинг барча вилоятларида фаол жорий этилмоқда. Бу борада қабул қилинаётган ахборот ва янги технологиялар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг расмий сайти [“www.railway.uz”](http://www.railway.uz) да онлайн-табло жойлаштириш имконини бери. Унга кўра, йўловчилар нафақат “Afrosiyob” тезюрар поездлари ҳақидаги вақти ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин. “Afrosiyob” тезюрар йўловчи поездлари замонавий GPS/GLONASS-трекерлари билан жиҳозланган. Шунингдек, янги бепул мобиль илова яратилмоқда.

Темир йўл транспортини мониторинг қилиш ва бошқариш янги геоинформатика тизимининг амалиётга жорий этилиши диспетчерлар ва йўловчиларни хабардор қилиш орқали темир йўл транспортини хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва унинг хавфсизлик даражасини ошириш имконини беради.

**Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири**



Спорт янгиликлари

ЎФФда янги мутахассислар иш бошлайди

Ўзбекистон футбол федерацияси, Профессионал футбол лигаси ҳамда Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасига янги мутахассислар танлов асосида қабул қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати хабарига кўра, янги раҳбарият тавсиясига биноан ЎФФнинг юридик бўлими Матбуот хизмати, Халқаро алоқалар бошқармаси, Хавфсизлик бошқармаси, Келишилган ўйинларга қарши курашиш бўлими, Кадрлар бошқармаси, Илмий-услубий таъминот бўлими, Молия-иқтисод бошқармаси, Хўжалик

ишлари хизмати, Маркетинг бошқармаси, Болалар-ўсмирлар футбол ва оммавий футболни ривожлантириш бошқармаси, Ҳакамлар ва назоратчилар бошқармаси, Терма жамоалар бошқармасида эндиликда янги мутахассислар фаолият олиб боради. ЎФФнинг Матбуот хизматида ишлайдиган журналистлар ўзбек, инглиз, рус тилларини билишлари шарт.

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада ривожлантириш мақсадида турнирлар уюштириб келинаётганлиги эътиборга лойиқ.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Яқинда Наманганда 14 ёшли ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида футбол бўйича "Ёшлик кубоги" турнири ўтказилди. Ўзбекистон чемпионати мақомида уюштирилган мазкур турнирда 9 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Мусобақага бошқа рақибларига қараганда жиддий тайёргарлик кўрган "Пахтакор" команда-

си финалда наманганлик тенгқурлари билан бош соврин эгаси бўлиш мақсадида кескин кураш олиб борди.

Мурсосиз ва шиддатли курашлар остида ўтган ўйинда 3:1 ҳисобида ғалаба қозongan наманганликларга 1-ўрин насиб этган бўлса, ёш пахтакорчилар турнирнинг кумуш медали эгасига айланишди.

Дарвоқе, "Пахтакор" аъзоси Бехруз Асқаров турнирнинг энг яхши ҳимоячиси деб эътироф этилган бўлса, яна бир тошкентлик футболчи Аббос Эргашбеков энг яхши ҳужумчи деб топилди. Яқинда ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

МАЪРИФИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Исроилнинг Холон технология институти билан биргаликда "Математика ва физиканинг долзарб масалалари" мавзусида халқаро илмий конференция бошланди.

Унда юртимиз олимлари, ёш тадқиқотчилари ва талабалари билан бирга, Исроил, Россия, Қозоғистон, Мексика, Япония каби давлатлардан ҳам математика-физика профессорлари иштирок этмокда.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Мараҳимов, Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Эдуард Шапира ва бошқалар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг билим олишга иштиёқини оширишда илм-фан, маданий-маърифий жабҳалардаги алоқалар муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Ўзбекистон Миллий университети жаҳоннинг бир қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмокда. Бундай маъ-

рифий алоқалар таълим сифатининг юксалиши, ёш олимлар тадқиқотлари самарадорлигининг янада ошишида муҳим аҳамият касб этмокда. Исроилнинг Холон технология институти ана шундай ҳамкор илмий муассасалардан. Мазкур даргоҳда аниқ фанлар, математика, илғор технологиялар ва нанотехнологиялар каби илм-фаннинг энг долзарб ва замонавий йўналишлари бўйича изланишлар олиб борилади. Эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистонда таҳсил олган бир қатор мутахассислар мазкур институтда муваффақиятли фаолият кўрсатмокда.

— Математика барча фанларнинг асоси, — дейди Холон технология институти раҳбари Эдуард Якубов. — Бу йўналишда олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланиши ёшларнинг келгуси тадқиқотлари учун пухта замин яратади. Ўзбекистон

Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёшларга қаратган эътибори, жаҳолатни маърифат билан енгиш юзасидан билдирган фикрлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу конференция ҳам олимлар ҳамкорлиги орқали ёшларнинг илмий изланишларида янги уфқлар очиши шубҳасиз. Ибн Сино, Хоразмий, Фаробий каби буюк алломаларни етиштирган бу халқнинг илмий салоҳияти, маданияти, самимияти, бағрикенглиги таҳсинга лойиқ.

— Математика бугунги кунда илм-фаннинг турли жабҳалари, иқтисодиёт, рақамли технологиялар, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, барча-барча жабҳаларда фаол қўлланилмокда, — дейди Европа Иттифоқи математикалар жамиятининг вице-президенти Армен Сергеев. — Ҳамкорликдаги бундай конференциялар янги-янги изланишларга имкон яратади.

Конференция давомида комплекс таҳлил ва функционал назария, алгебра, амалий математика, ҳисоб геометрияси, математик моделлаштириш, оптика, умумий физика, рақамли тиббиёт фани, биотехнологик физика ва бошқа кўплаб йўналишлар бўйича илмий муҳокамалар ўтказилади. Ўзбекистон ва Исроил олимлари алоқаларини ривожлантириш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашнинг долзарб масалалари, ёш олимлар тадқиқотларининг натижалари атрофлича таҳлил этилади. Академик, талабалар алмашинувининг янги истиқболлари белгилаб олинади.

(ЎЗА)

Қилмиш — қидирмиш

ҚОНУНИЙ ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

2017 йил 24 январда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судида кўрилган ишда 1983 йили Тошкент шаҳрида туғилган Асил Нуриддинов (исм-шариф ўзгарган) Англия давлати ишончли фирмасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда қалбаки ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, автомашиналар савдосидан келиб тушган 309 млн. 500 минг сўм маблағни банк муассасасига топширмасдан ноқонуний даромад олиб келганлиги ўз исботини топди.

Ўйлашиб қоласиз: бу масъул шахс мавжуд тартиб-қоидаларни билмасмиди? Албатта биларди. Нафс балоси уни жиноят сари етаклаган. Шахсий бойлик орттириш мақсади уни ўйлаб ўтирмасдан қонунларни четлаб ўтишга ундаган. Фуқаролар Н. Рустамов, Д. Файзуллаев, Ф. Тоҳировларга турли русумдаги автомашиналарни нақд пулга сотиб, пулларни ўз чўнтагига жойлаган.

Ўтказилган ҳужжатли текширувлар-

да ваколатхона раҳбарининг "сир"-лари очилиб қолди. Гувоҳлар кўрсатмалари, далолатномалар, ашёвий далиллар А. Нуриддиновга қарши чиқди.

Суд айбдорга нисбатан ўз адолатли жазосини берди.

Даврон АБДУНАЗАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК Департаменти
Чилонзор тумани бўлими катта
инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
кафедралардаги қуйидаги
вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири (фан номзоди, доцент ёки фан доктори), ассистент.

Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси бўйича: ассистент.

Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича: ассистент.

Фармацевтика ишлари ташкил қилиш кафедраси бўйича: ассистент.

Фармакогнозия кафедраси бўйича: профессор.

Биотехнология кафедраси бўйича: ассистент.

Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича: ассистент.

Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича: профессор.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефонлар: (8371) 256-37-38, 256-38-50.

"101"

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Куз фасли ўзгарувчан об-ҳавоси ўзига хос хислатларига эга бўлиши билан бир қаторда қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўриш кераклигини ҳам эслатиб туради.

Барчамизга аёнки куз фасли ҳазонрезги фаслдир. Ушбу мавсумда маҳаллалар, кўчалар, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли кўп қаватли аҳоли яшаш уйлари атрофида дарахтлардан тушган ҳазонлар ва қуриган ўтларни ёқиш ҳоллари учраши табиий ҳол албатта. Бироқ доно халқимиз "Олов — тилсиз ёв" деб бежиз айтмайди. Назоратсиз қолдирилган олов албатта салбий оқибатларга олиб келиши ҳаммамизга аён. Олов учун мулкнинг катта-кичиги бўлмайди. Аланга олган, мулк кадр-киммати қулга айланиши мумкин. Шундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун эса фуқароларнинг ўзи ташаббускор бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бажаришлари, фарзандларига ҳам ўргатишлари лозим. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз. Ёдингизда бўлсин, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир!

Азизжон АЗИМОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими масъул инспектори, сержант

"Тилсиз ёв"дан кичкинтойларни асраш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса уларда бу борадаги кўникмаларни шакллантириш муҳимдир.

Айнан шуларни мақсад қилган Учтепа тумани ЁХБ ходимлари ҳам бу масалаларга эътибор қаратмокдалар. Мақтабгача таълим муассасалари ва таълим масканларида ўтказиладиган суҳбатларда болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган ёнғинларни ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиблари тушунтириб, кўрсатиб боришмокда. Бундан ташқари ёнғинлар қандай талафотларга олиб келиши мумкинлигини акс-эътирсувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилмокда. Шу билан бирга кичкинтойларга содир бўлган ёнғинларнинг оқибатлари, ёнғин юзага келганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунчалар берилмокда.

Улуғбек АХМЕДОВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмокда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Эржан СУГУРБОВЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 13 октябрь кунини ҳаво ўза-риб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Шарқдан секун-дига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 10-12, кундузи — 27-

29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 октябрда Тош-кент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳи-тида зарарли моддалар-нинг бир оз тарқалиб ке-тишига имконият яра-ди, ифлосланиш даражаси наст бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1035

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4638 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ